

Суд-тергов фаолиятидаги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада кучайтирилди

Мамлакатимизда жинойт ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйбга чиқариш, жинойт-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Жорий йилнинг 10 август куни Президентимиз имзолаган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштириш ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида қабул қилингани билан янада аҳамиятлидир.

Зеро фармонга мувофиқ:

- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жинойт процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

- шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, бундай қилмишлар учун жавобгарлик кучайтирилади.

Жумладан, айти ҳужжат билан:

- жинойт ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

- ўта оғир жинойт содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш;

- шахсга эълон қилинган айблов, жинойт иши суднинг қайси инстанциясида

кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш;

- судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш белгиланди. Мухтасар айтганда, ушбу ҳужжат жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш орқали жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга ва энг муҳими, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

О.Мирсадиков

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг раиси

2020-08-20 12:53:28